

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОФИЛАКЕТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЎРНИ

*Мансурова Исмигул Алижон қизи*

*Ўзбекистон Республикаси Академияси Кундизги таълим  
“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” йўналиши  
3-босқич 316-гуруҳ курсанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада рецидив жиноятчилик, ёшлар жиноятчилиги ҳамда уларнинг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар, республикада содир этилаётган ёшлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ёритилган.

**Калит сўзлар:** жиноятчилик, ёшлар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, олдини олиш чора тадбирлари, ёшлар рецидив жиноятчилиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари.

### **Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ва уларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг ўрни**

Республикамизда вояга етмаганлар жиноятчилиги муаммосини ўрганишга қаратилган илмий изланишларни кузатар эканмиз, бутун дунё мамлакатларида бўлгани сингари ушбу муаммони илмий тадқиқ этиш ишлари бир неча йўналишлар бўйича олиб борилганлигининг гувоҳи бўламиз. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминалистик йўналиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар шундан далолат берадики, бу йўналишда кейинги йилларда бир қатор самарали илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу илмий тадқиқот ишларида вояга етмаган ёшдаги жиноятчи шахси, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий, ҳуқуқий омиллари, сабаб ва мотивлари ҳамда унинг олдини олиш борасидаги муаммолар тадқиқ қилинади. Хусусан, тадқиқотчи А.А.Расулов ўз тадқиқотларида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш муҳимлиги тўғрисидаги қимматли мулоҳазаларни илгари суради. Шунингдек, тадқиқотчининг таъкидлашича<sup>1</sup>, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш нафақат мутасадди ташкилот ходимларининг, балки кенг жамоатчилик, ота-оналар ва ўқитувчилар зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Тадқиқотчи М.Қосимова ҳам ўз тадқиқотларида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш омилларини ҳуқуқий жиҳатдан асослашга

<sup>1</sup> Расулов А.А. К вопросу повышения эффективности борьбы с правонарушениями несовершеннолетних //Общественные науки в Узбекистане. Ташкент. 1978, № 11.С. 11-14.

ҳаракат қилади. У ўз кузатиш ва тадқиқотларига асосланиб, вояга етмаганларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишини олдиндан айтиш мумкин деган фикрни ўртага ташлайди. Хусусан, у- «носоғлом, криминоген оилаларда, ғайриқонуний хулқ-атворга эга бўлган болалар ва ўсмирлар даврасида, катталарнинг тазйиқи ёки зўрлови асосида вояга етмаганлар жиноятчилиги келиб чиқади ва шунинг учун болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишда шу омилларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир»<sup>2</sup> - деб таъкидлайди. Вояга етмаганлар жиноятчилигини ҳуқуқий ва криминалистик йўналиш бўйича тадқиқ қилишга қаратилган тадқиқотларни кузатар эканмиз, уларда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳуқуқий, криминалистик омиллари билан бир қаторда ижтимоий, ҳуқуқий, статистик ва айрим ҳолатларда педагогик ҳамда психологик омиллари ҳам маълум даражада таҳлил қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай ҳолат тадқиқотчиларнинг бу муаммони янада чуқурроқ ўрганишга бўлган интилишлари ва ҳаракатларидан далолат беради. Қолаверса, уларнинг бу хилдаги ёндашуви вояга етмаганлар жиноятчилиги нафақат ҳуқуқшунос- криминалист тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши зарур бўлган, балки психолог, педагог, биолог, социолог ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан ҳам тадқиқ этишилиши зарур бўлган муаммо эканлигини кўрсатади. Бироқ шундай бўлсада, вояга етмаганлар жиноятчилигини криминалистик йўналиш бўйича тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотларда жиноятчи шахсини, унинг шаклланиш жараёнлари ва ижтимоий омилларини ўрганиш ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш, унинг ҳуқуқий мезонларини ишлаб чиқиш масаласи улар тадқиқотининг асосий мақсад ва вазифалари сифатида белгиланганлигини кузатамиз.

Ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт профилактикасини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботни режалаштиришда профилактика хизмати, энг аввало, тарғиботнинг мақсади, таҳлилий материаллар, уларни етказиш усуллари ҳамда мавжуд шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда, тарғиботни амалга оширувчиларни белгилаши зарур<sup>3</sup>. Чунки ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт профилактикасини таъминлаш бўйича ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш учун ёшларга тарбиявий масалаларда бой ҳаётий ва амалий тажрибага эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган инсонлар, шунингдек оила психологиясини биладиган мутахассисларнинг жалб этилиши унинг мақсадли ва самарали бўлишини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир. Албатта, бундай тадбирни ўтказишга жалб этилган мутахассиснинг назарий-ҳуқуқий билими, фикрлаш доираси, хулқ-атвори, амалий тажрибаси, ёшларни мавзуга

<sup>2</sup>Касимова М. Аренберг Р. Предупреждение правонарушений несовершеннолетних. Ташкент. — Фан||. 1991, 132 с.

<sup>3</sup> Дзиковская С.Г. Рецидивная преступность и её предупреждение на региональном уровне (по материалам Краснодарского края). Дисс. на соиск. науч. степ. к. ю. н. - Краснодар. 1999. - С.112.

этиборини қарата олиши, керак бўлса нотиклик санъати, жамоада, оилада, маҳаллада тутган ўрни ва обрўси, ўз навбатида, маънавияти муҳим ўрин тутади. Ана шундай фазилатларга эга бўлган тарғиботчигина ёшларда қизиқишини, этиборини кучайтириши, рағбатлантириши мумкин, ёшлар онгига қонунни, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, ҳар қандай кўринишдаги жиноятчилик, хусусан ёшлар рецидив жиноятчилигига нисбатан «мурасиз» бўлиш хусусиятларини сингдиришга эриша олади.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси профилактика хизматининг барча фаолият йўналишлари, хусусан, ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт профилактикасини амалга оширишга қаратилган услубий материалларни, ёшларда жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидалари ва қонун нормалари талабларига риоя этиш, бошқаларнинг, хусусан, оилада ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш зарур. Айти пайтда ички ишлар органларининг ёшлар рецидив жиноятчилигининг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш бўйича фаолиятини ташкил этишга ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддаси<sup>4</sup>га асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноятнинг, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 313-моддаси<sup>5</sup>га мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида, шунингдек «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасига асосан эса мазкур қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар, хусусан, ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида

а Шуни қайд этиш жоизки, ички ишлар органларининг ёшлар рецидив жиноятчилигининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар асосан суриштирувчи ва терговчилар томонидан иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйичагина

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси // URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz.>;

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни //

7

Мазкур тақдимномалар, биринчидан, асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига улар ҳудудида яшаётган оилаларда ёшлар умумий жиноятчилиги бўйича киритилмоқда, иккинчидан, муҳокамаларда ёшлар рецидив жиноятчилигининг сабаб ва шароитлари илдизига таҳлил қилинган ҳолда кўрсатилмаяпти, учинчидан, тақдимноманинг кўриб чиқилиши ва муҳокамаси юзаки ўтказилмоқда ёки умуман ўтказилмасдан уларга фақатгина жавоб бериш билан чекланилмоқда.

Афсуски, ички ишлар органлари томонидан аниқланган ва кўриб чиқилган ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик бўйича уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш амалиёти талабга жавоб бермайди. Масалан, 2019 йилда профилактика (катта) инспекторлари томонидан жами 82.217 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик аниқланган бўлсада, шундан бор-йўғи 4.221 таси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона,

Т  
а  
ш  
к  
и  
л  
о  
т  
,

м Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқишида ижтимоий муҳитнинг таъсири масаласи, илавий муносабатлардаги носоғлом муҳитнинг вояга етмаганлар жиноятчилигини келтириб чиқаришдаги ўрни, болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг иқтисодий, ҳудудий, статистик, шаҳар ва қишлоқ жойларида содир этилиш сабаб бўлиб қолмоқда. Хусусан, оиладаги криминоген муҳит, оилавий ўзаро жанжаллар, ота-оналарнинг болалар тарбиясига эътибор бермасликлари, болаларнинг бўш вақтларини қандай ўтказаётганлигини отаоналар ёки катталар томонидан назорат қилмаслик ҳамда болаларни назоратсиз қолдириш ҳолатлари болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига олиб келади. Шунингдек, рилада ота-онанинг спиртли ичимликка ружу қўйиши, болалар кўз ўнгида

Г

<sup>а</sup> Тадқиқот жараёнида ўрганилган 104 та жиноят иши бўйича суд архиви материалларининг таҳлил натижалари.

<sup>б</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2019 йилдаги статистик маълумотномаси.

Т

ноахлоқий хатти-ҳаракатларини амалга оширишлари ҳолатлари ҳам болалар ва ўсмирларда жинойтчилик хулқининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар соғломлиги, улар ўртасидаги меҳроқибатнинг илликлиги, инсоний ва миллий муносабатлардаги расоликлар, ота-оналарнинг фарзандлари ҳаётига эътиборлилиги болалар ва ўсмирлар жинойтчилигининг келиб чиқишининг олдини олишда хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зиёдуллаев М.З., Исаев С.А. Ҳуқуқбузарликлар профилактика-сининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўлида // Qalqon. – 2015. – № 1. – Б. 7–11.
2. Исмаилов И. Тошкентда «Хавфсиз пойтахт» концепцияси асосида жамоат тартибини, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишни таъминлашнинг 28ила тизими // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2018. – № 3. – Б. 31–36.
3. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев. – Т., 2017. – 254 б.
4. Қонун устувор, адолат барқарор бўлса, жинойтчиликка ўрин қолмайди // [Электрон манба]: <http://www.uzlider.uz/news-of-uzbekistan/3831> (мурожаат вақти: 10.06.2019 й.).
5. Фазилов И.Ю. Жинойтларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишга доир нормалар таҳлили ва уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Т., 2018. – № 1. – Б. 79–84.
6. Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: юрид. фан. д-ри (DSc) дис.... автореф. – Т., 2017. – Б. 15.
7. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жинойтчилик 28илан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: юрид. д-ри. ..дис. – Т., 2016. – 338 б.
8. Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) дис.... автореф. – Т., 2018. – Б. 20.
9. Липич Т.И., Лыков Э.Н. Молодежная преступность: культурологический аспект (общий обзор причин молодежной преступности) // Вестник Белгородского юридического института МВД России. – 2019. – № 2. – С. 34-38.
10. Спиридонов М.С. Преступность несовершеннолетних и молодежи: взаимная связь и различия / Актуальные проблемы права: материалы междунар. Науч. Конф. (г. Москва, ноябрь 2011 г.). – Москва, 2011. – С. 17-20.
11. Абдурасулова Қ.Р., Ниёзова С.С. Жинойтчилик ва жинойтчи шахси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б.51.